




DENMARK

**PROBLEMS AND SOLUTIONS AT THE STAGE OF
INNOVATIVE DEVELOPMENT OF SCIENCE,
EDUCATION AND TECHNOLOGY
INTERNATIONAL ONLINE CONFERENCE**

WWW.INCOP.ORG



Date: 23rd May-2025

**“ШАШҚАТОР” ЖАНРИНИНГ ИСРОИЛ СУБҲОН ИЖОДИДАГИ ЯНГИЧА
ТАЛҚИН ХУСУСИЯТЛАРИ**

Тўраева Лайло Омоновна

БухДУ Ўзбек тили ва адабиёти
кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.ф.д.(PhD)

Аннотация: Ушбу мақолада янги шеър шаклларида бири бўлган “Шашқатор”нинг жанрий хусусиятлари, мавзулар қамрови, тарққиёт жараёни, фалсафа ва психология билан боғлиқлиги ҳамда уларда миллий қадриятларимизнинг бадиий ифодаси Исроил Субҳоний ижоди мисолида кўриб чиқилган. Мавзу юзасидан муайян илмий-назарий хулосалар баён қилинган.

Калит сўзлар: шашқатор, жанр, шеърят, шеър шакллари, фольклоризм, ижодкор шахсияти, ижтимоий муҳит, жанрлар модификацияси.

Адабиётнинг вазифаси Инсонни тушуниш ва тушунтириш бўлса, инсоннинг барча хатти-ҳаракатлари ўзини жамият ва бошқалар олдида тан олдириш ва тасдиқлашга қаратилган.

Бадиий асарнинг етуқлигини таъминловчи асосий омил, истеъдоддан кейин албатта, ижодкор шахсининг бутунлигидир. Шахс сифатида тўлақонли шаклланган шоир ёки ёзувчи баркамол асар ярата олади. Шахссиз шоир қанчалик истеъдодли бўлмасин, давр ва тарих уни қабул қилмайди. Худди қамишнинг бошидаги сохта тож каби лов этиб ёнади-ю ўчади, на иссиқлик беради, на ёруғлик беради.

Шундай шоирлар бўладик, улар тарихий зарурат ва миллат маънавий-руҳий эҳтиёжи туфайли адабиётга кириб келадилар.

Фалсафа, тарих, психология, халқ донишмандлиги омикталашган асар вақтни енгиб ўтади, асрлар давомида миллатнинг тафаккур тарзи, тахайюл оламига ўз таъсирини ўтказаверади. Бухоролик шоир ва таржимон Исроил Субҳоний шундай ижодкорлар сирасига киради.

Субҳоний (Исроил Субҳонов) 1959 йил Бухоро вилоятида туғилган. У “Бухоронинг етти юлдузи”, “Зарбулғазал”, “Чорзарб”, “Орифона ҳикматлар” “Шашқатор” каби шеърый тўплам ва илмий-маърифий рисоалари муаллифи.

Маълумки, мумтоз адабиётда мусаммат(арабча, марварид доналарини ипга тизмоқ)нинг бир неча кўринишдаги бандли шеърлар тушунилади (мусаллас, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар). Шоир ижодида ушбу жанрларнинг янгича услуб ва оҳангдаги ифодаларини кузатишимиз мумкин. Асрлар давомида шаклланган аруз ва XX асрдан бошлаб оммалашган бармоқ вазни Субҳоний ижодида тарози палласидек тенг ўрин эгаллайди.

Шоирнинг “Шашқатор” деб номланган тўплами нафақат поэтик ифодаларга бойлиги, услубнинг бетакрорлиги ва ўзига хослиги, бадиий ифоданинг теран ва тиниқлиги билан янгича шеърый шакл билан китобхон диққатини тартади.



Date: 23rd May-2025

“Шашқатор” – форс-тожик тилидаги “шаш” – олти, арабча “қатор” сўзи билан бирикиб, “олти қатор шеър”, “олтилик” – тўрт воқеабанд мисра ва ўзаро қофияланган бир хулоса байтдан иборат шеърый жанр атамаси вужудга келган. Бу адабий истилоҳ “узлуксиз, шода-шоода тўкилаётган кўз ёш” луғавий маъносига ҳам эга.

Ушбу ўзига хос ва мухтасар шаклда эзгулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, маънавий юксаклик ва тубанлик сингари ижтимоий-фалсафий муаммолар, шунингдек, шоирнинг теран ўй-фикрлари ҳаётий хулосалари, аҳволи руҳияси, ҳис-туйғу ва кечинмалари ҳам ўз бадиий ифодасини топади.

Муқаддас китобларда ёзилишича, Худо бу оламни олти кунда яратган экан. “Бухоро шашмақоми” деб номланган инсон руҳи ва қалбини ларзага солувчи юксак санъат намунаси бу хусусда жиддий ўйлаб кўриш лозимлигини кўрсатади. Ёхуд мусичанинг сайрашига қулоқ тутсангиз, ҳайратда қоласиз. Мусича олти марта кукулайди: тўрт мартаси бамайлихотир, охириги икки мартаси эса ижро этилади. Асалари уяси кўздан кечирилса, ҳеч қандай онг-тафаккурга эга бўлмаган ҳашаротнинг маҳоратига тан бермасликнинг иложи йўқ. Мутаносиб олти бурчакли катакчалар ҳеч қандай ўлчовсиз бунёд этилган.

“Агар теран фаросат кўзи билан қарасанг, - деб ёзади Исроил Субҳон, - бу оламда беҳикмат нарсанинг ўзи йўқ ва ҳатто энг оддий воқеа-ҳодисалар замирида ҳам улкан умумбашарий ҳақиқатлар асарини кўриш мумкин”.¹³

Ҳар қандай адабий янгиликнинг то у халқ маънавий-бадиий мулкига айлангунига қадар қанчадан қанча синовлардан ўтиши, не-не тўсиқларга дучор бўлишига тўғри келади. Бу табиий ҳол, албатта. Худди шундай “Шашқатор” ҳам ўзининг бугунги мавқеига эришгунча анча йўлни босиб ўтди. “Шашқатор” бугунги кунда бутун бўй-басти билан алоҳида шеърый жанр сифатида шаклланиб бормоқда. Бунинг ёрқин исботи Субҳоний қаламига мансуб битиклар бўлиб, унинг иккинчи номи “Минг бир қатра”.

“Шашқатор” мутолааси жараёнида бир мутахассис сифатида шунга амин бўлдимки, уларнинг мавзу доираси кенг ва ранг-баранг: лирик, дидактик, ҳажвга мойиллик, аксарият умумфалсафий руҳдаги фикр-мулоҳазалар, руҳий-маънавий кечинмалар, ҳаётнинг гўзал томонларини тараннум этиб, унинг қороғу тарафларини қоралаш, аёвсиз танқид остига олиш, “комил инсон орзуси ва Инсон ҳазрати олийларига ярашмайдиган салбий иллатларни фош этиш каби ҳаётий ҳақиқатлардан баҳс юритувчи манзумалардан иборат”.¹⁴

Шоир ва адабиётшунос Шухрат Ҳомидий шашқаторни “шоирнинг ўзига хос пинҳоний ибодати”, Баҳодир Насим “Шашқатор” – шарқона адабий услуб, аниқроғи ўзбекона, яъни қиссадан ҳисса чиқаришдек анъанавий ўзбекона тафаккур тарзига эга. Ана шуниси билан у ўзбек китобхони, шеърыйат ихлосманди кўнглига яқин, деб баҳолайди. Б.Қазақов эса “шоирнинг етуклик шаҳодатномаси”, - дея эътироф этади.

¹³ Субҳоний. “Шашқатор”. Тошкент: “O’zbekiston”, 2019. 8-б.

¹⁴ Қазақов Б. Шашқаторхонлик. Тошкент.113-бет.



Date: 23rd May-2025

Инсоният шундай “тараққий” этса,
Инсоний моҳият йўқолар бир кун.
“Инсон” деган сўзни дафтарга битса,
Ёнига изоҳи тақалар бир кун:
“Дунёни тушуниб етган мавжудот,
Ўз-ўзини билмай кетган мавжудот!”

Инсон сўзининг луғавий маъноси унутувчи эканлигини ҳисобга олсак, бу калом ботинидаги зиддият ойдинлашади. “Инсон ўз-ўзини рад - инкор этувчи ва ўз-ўзини тасдиқловчи” моҳиятига эга экан, у доим икки қарама қарши қутбда ҳаракатланади.

Муаллиф фан-техника тараққиётига қарши эмас, бироқ ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, тараққиёт инсониятга маънавий-ахлоқий акс таъсир кўрсатади. Шахсининг емирилиши руҳнинг таназзулига олиб келади. Урушлар, диний-экстремистик гуруҳлар, суицид, бир жинсли никоҳ, компьютер орқали онгни заҳарлаш, зўравонлик, иқтисодий жиноятлар – буларнинг барчаси “тараққиёт” натижаси. Шоир биргина шашқатор орқали давр фожиасини очиб бера олган. “Нафасни таниган ўзини танийди”, - дейилади Ҳадиси шарифда. Дарҳақиқат, инсон ўзини, ботиний моҳиятини, ички “мен”ини англолмагунча, асл ҳақиқат ва Ҳақни идрок эта олмайди. Инсоннинг яшашдан мақсади нима? Ўлим ҳаётнинг якуними? Инсон нима учун минглаб ҳужайралар ичидан айнан танлаб олинган? Мазкур шашқатор ўқувчини шундай саволларга юзма юз қилади. Ҳар бир жавоб ўша одамнинг ҳаёт йўлига берилган баҳо ва бу мезон барча учун ўзгармас.

“Истеъдод табиатан янгиликка, оригиналликка интилади, иккинчи ёқдан унинг фитратида аждодлар тўплаган тажрибанинг генлар орқали ўтиб келган қаймоғи мужассамдир”¹⁵

Бугун замонавий адабиёт, яъни кейинги тўрт асрда яратилган адабиёт тўғри сўздир. Ҳатто “ўз табиатингга содиқ бўл”, деган шекспирча қарашга уйғундир. Бизнинг ёзувчидан биринчи талабимиз шуки, алдамасин: нимани ўйласа ва ҳис этса шуни ёзсин. Акс ҳолда санъат асари сохтадир. Ўз моҳиятига кўра замонавий адабиёт шахс ижодидир. Ижодкор шахсининг фикр ва туйғуларини бўямай беради, акс ҳолда у ҳеч нарсага арзимади. Ана шу нуқтаи назардан, Субҳоний “Шашқатор”лари, умуман шеъриятида ўзини таниган Шахс ва унга хос фазилатлар ўқувчи кўз ўнгида аниқ-тиниқ гавдаланади. Умумбашарий кадриятлар ижтимоий ҳаёт билан ўзаро уйғунлашади.

“Лоқайдлик бора-бора инсон ботинидаги энг баланд мезонлардан бири – адолат туйғусини мавҳ этади. Адолат туйғуси эса кишилиқ жамиятлари суяниб турган энг бақувват устунлардан саналади”¹⁶.

Шоир нима ҳақида сўзлашадан қатъи назар, унинг маъно-мазмуни Инсонга қаратилган. Инсонлараро муносабатлар оддий ҳаётнинг мисол орқали изоҳлаб, асослаб

¹⁵ Истиқлол даври адабиёти./ Д.Қуронон жавоблари. Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. 46-бет.

¹⁶ Истиқлол даври адабиёти. / Назар Эшонкул жавоблари. Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. 35-бет.

Date: 23rd May-2025

берадики, бу ўқувчи – китобхонни мисол-муқоясалар табиат ҳодисалари билан параллел тасвирланганлиги шашқаторнинг қизиқарлилиги ва ўқимишлилигини таъминлаган.

Шундай қилиб шашқатор, тўрт қатор ғоя тафсилоти ва икки қатор насиҳатомуз хулоса қисмидан иборат лирик жанр сифатида юзага келди. Бу эса шашқатор ҳам рубоий ва қитъа каби жанрлар сингари муайян тартиб қоидаларга эга. Охирги хулоса-байт – Бедил, Саъдий, Румий, Навоийнинг дидактик шоҳбайтларига ҳамоҳанг. Шашқаторнинг яна бир ютуғи ундаги мавзу, ғоя, фикрлар давр, тузум, минтақа чегараларини тан олмайди. Лирик “мен”нинг фалсафа ва хулосалари башариятга бирдек тааллуқли, шунинг баробарида муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Истиклол даври адабиёти./ Тошкент: “Turon zamin ziyo”, 2015. 246-б.
2. Қазоқов Б. Шашқаторхонлик. Тошкент. 113-бет.
3. Субҳоний. “Шашқатор”. Тошкент: “O‘zbekiston”, 2019. 8-б.
4. Turaeva, L. O. (2021). Artistic and compositional features of harvest songs. *ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH*, 10(4), 629-634.
5. Тўраева, Л. О. (2024). ЎЗБЕК ДЕҲҚОНЧИЛИГИДА ТАҚВИМ РАМЗЛАРИ. *IMRAS*, 7(1), 779-783.
6. Тўраева, Л. О. (2023). ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДА ДЕҲҚОН ОЛҚИШЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИФОДАСИ. *O‘ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(24), 22-25.
7. Тўраева, Л. О. (2023). ДЕҲҚОНЧИЛИК ҚЎШИҚЛАРИ ЖАНРИНИ БЕЛГИЛАШДА КАСБИЙ АТАМАЛАРНИНГ ЎРНИ. *MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH*, 2(22), 66-70.
8. Тўраева, Л. О. (2022, June). Мақолларда деҳқонлар ҳаётининг бадий талқини. In *E Conference Zone* (pp. 71-73).
9. Omonovna T. L. Artistic understanding of peasant life in proverbs //Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. – 2022. – Т. 9. – S. 47-49.
10. TORAYEVA, L. (2023). ЎРИМ ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ОБРАЗЛАР ТАРКИБИ ВА БАДИЙ-КОМПОЗИЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИ. *ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz)*, 42(42).
11. Omonovna, T. R. L. (2024). A Hymn of Divine Ideas in the Wisdoms of Yassavi. *International Journal of Formal Education*, 3(4), 34-39.
12. Omonovna, T. L. (2024). A PECULIAR EXPRESSION OF PEASANT APPLAUSE IN FOLKLORE. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 2(20), 199-204.
13. To‘rayeva, L. (2024). O‘ZBEK XALQ O‘YINLARIDA “BOBODEHQON” KULTIGA OID QARASHLAR TALQINI. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 2(20), 234-241.



Date: 23rd May-2025

14. To'rayeva, L. (2024, May). Jek Londonning "Hayotga muhabbat" hikoyasida hayotsevarlik g'oyalari. In *CONFERENCE ON THE ROLE AND IMPORTANCE OF SCIENCE IN THE MODERN WORLD* (Vol. 1, No. 4, pp. 250-259).
15. Davronova S. THE ORIGINALITY OF THE ARTISTIC IMAGE AND THE TRUTH OF LIFE IN THE NOVELS OF ULUGBEK KHAMDAM //American Journal Of Social Sciences And Humanity Research. – 2022. – T. 2. – №. 06. – С. 49-53.
16. Давронова Ш. Г. АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ АНЪАНАЛАРИ ВА ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК РОМАНЧИЛИГИ //МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА. – 2021. – Т. 4. – №. 1-2.
17. G'aybulloevna D. S. The Issue of Artistic Image of Nature and Method In The Works Of Isajan Sultan (On The Example Of "The Missing Motherland") //Indonesian Journal of Innovation Studies. – 2022. – Т. 18.
18. Давронова Ш. ҚИССАДА БАДИИЙ ДАЛИЛЛАШНИНГ ЎРНИ: Шоҳсанам Давронова БухДУ ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти, ф. ф. доктори //Научно-практическая конференция. – 2021.
19. Shokhsanam Davronova 2021. UZBEK NOVEL IN THE INDEPENDENCE PERIOD: TRADITION AND NOVELTY ISSUES. *JournalNX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal*. (Feb. 2021), 679–683.
20. Davronova S. Eastern and western literary tradition in the modern uzbek novels //World science. – 2016. – Т. 4. – №. 5 (9). – С. 33-34.
21. Davronova S. MODERN ÖZBEK ROMANLARINDA KÂMİL İNSAN TERBİYESİ MESELESİNİN ELE ALINIŞI //Electronic Turkish Studies. – 2017. – Т. 12. – №. 15.
22. DAVRONOVA S. TARİHİ ROMANDA MUTASAVVIF BİLGİN SİMASI //DİL VE EDEBİYAT ARAŞTIRMALARI I. – С. 108.
23. Shokhsanam D. EASTERN AND WESTERN LITERARY TRADITION IN THE MODERN UZBEK NOVELS //International Scientific and Practical Conference World science. – ROST, 2016. – Т. 4. – №. 5. – С. 33-34.
24. Давронова Ш. Литературное влияние и творчество //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2016. – Т. 1. – №. 2 (59). – С. 40-46.
25. Давронова Ш. Адабий таъсир ва ижодийлик //Иностранная филология: язык, литература, образование. – 2016. – 2016.
26. Davronova S. КОНТРАСТИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ МЕТОДА В ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ РАССКАЗА ИСАДЖАНА СУЛТАНА "ОЛИСДАГИ УРУШНИНГ АКС-САДОСИ") («ЭХО ВОЙНЫ ВДАЛЕКЕ») //ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz). – 2022. – Т. 9. – №. 9.
27. Davronova S. Mythology in intellectual novels //Theoretical & Applied Science. – 2015. – №. 4. – С. 40-43.
28. Gaybulloevna D. S., Bakhtiyorovna N. N. PSYCHOLOGIST IN ULUGBEK KHAMDAM'S NOVEL "FATHER".
29. Davronova S., Kandimova I. CHARACTER CREATION SKILLS OF LUKMON BORIKHAN //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCE" INNOVATIVE



Date: 23rd May-2025

TRENDS IN SCIENCE, PRACTICE AND EDUCATION". – 2023. – T. 2. – №. 4. – C. 30-34.

30. Azimov, Y., To'xsanov, Q., Adizov, B., Sharipova, M., Hojiyeva, N., & Rajabova, G. Z. (2024). Statistical analysis of thrift and ecological education concepts in elementary school students. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 587, p. 02020). EDP Sciences.

31. Yuldasheva, D. N., Khojiev, N. K., & Yusupova, D. Y. (2021). Fruit vocabulary is an integral part of the vocabulary of the folk language. *Herald pedagogiki. Nauka i Praktyka*, 1(2).

32. Hajiyeva, N., & Mutalibova, S. (2025). COMPARATIVE ANALYSIS OF FRUIT NAMES IN UZBEK AND TURKISH PROVERBS. *International Journal of Artificial Intelligence*, 1(2), 732-735.

33. Hayotovna, H. N. COMPARATIVE ANALYSIS OF FRUIT NAMES IN UZBEK AND TURKISH PROVERBS.

34. Hayotovna, H. N. (2025). "BOBURNOMA" ASARIDA FITONIMLARNING QO'LLANILISHI. *Modern World Education: New Age Problems–New solutions*, 2(3), 1-3.



Date: 23rd May-2025

ARTICLES:

Ikromova Sitara Akbarovna PSIXOLOGIYA FANINING IJTIMOIIY TABAQALANISH	3
Ikromova Sitara Akbarovna TRADITSION PSIXOLOGIYAGA QARSHI YONDASHUVLAR, MARKSISTIK TA'SIR, PAULO FREIRE VA BOSHQALAR)	11
Ikromova Sitara Akbarovna SHAXSNING SHAKLLANISHI VA RIVOJLANISHIDA MADANIY, TARIXIY HAMDA IJTIMOIIY KONTEKSTNING O'RNI	18
Ikromova Sitara Akbarovna SHAXSIY O'SISHNI QO'LLAB-QUVVATLOVCHI PSIXOLOGIK TRENINGLARNING TURLARI VA METODLARI	26
Ikromova Sitara Akbarovna PSIXOLOGIK TRENINGLARDA GURUH DINAMIKASI VA INTERAKTIV METODLARNING AHAMIYATI	33
Ikromova Sitara Akbarovna KASBIY FAOLIYATDA PSIXOLOGIK TRENINGLARDAN FOYDALANISH: O'QITUVCHILAR, SHIFOKORLAR VA RAHBARLAR MISOLIDA	40
Bobojonova Dilnoza Oxunjonovna SHARNOMA HUIJATINING O'RNI	47
Abdullayeva Shohsanam Zokirjon qizi INFORMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI O'QITISH METODIKASI: ZAMONAVIIY YONDASHUVLAR VA METODLAR	52
Sodiqova Yodgoroy Bahromjon qizi EFFECTIVE METHODS FOR TEACHING ENGLISH LANGUAGE: A COMPREHENSIVE ANALYSIS	56
Rahmonova Mashxuraxon Gulomjonovna BIOLOGIYA TA'LIMIDA MAVJUD MUAMMOLAR VA ULARNING XALQARO TAJRIBA ASOSIDAGI YECHIMLARI	60
Safarova Z.T Jurayeva S.U THE INFLUENCE OF THE CYBERPUNK GENRE ON MODERN SCIENCE FICTION LITERATURE	64
D. M.Kobulova OF ART THERAPY METHODS IN EARLY SCHOOL STUDENTS	71
Aminov Suxrob Alimardon o'g'li Kalandarov Ilyos Ibodullayevich THE POSSIBILITIES AND PROBLEMS OF CLOUD TECHNOLOGIES IN ORGANIZING DISTANCE LEARNING	74
A.R.Rajabov ONLINE KURSLAR UCHUN MOBIL ILOVALARNI ISHLAB CHIQISH	78
A.R.Rajabov ONLINE O'QUV KURSLARGA AI SUNIY INTELEKTNI INTEGRATSIYA QILIB TA'LIM JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH	85
Тўраева Лайло Омоновна “ШАШҚАТОР” ЖАНРИНИНГ ИСРОИЛ СУБҲОН ИЖОДИДАГИ ЯНГИЧА	92

Date: 23rd May-2025

ТАҶИҚИИ ХУСУСИЯТЛАРИ	
Davronova Shohsanam G‘aybulloyevna ERKIN VOHIDOV IJODIDA MILLIYLIK IFODASI	98
Hojiyeva Nigina Hayotovna Mutalibova Saodat Olmas qizi ABOUT FRUIT NAMES ADOPTED FROM PERSIAN	104
Hojiyeva Nigina Hayotovna Ashurova Asalkhon Barot qizi ETYMOLOGY OF THE LEXEM “PEACH”	113
Kalmuratova Raziya Seytmuratovna GLOBAL IQLIM O‘ZGARISHI VA UNING O‘ZBEKISTON HUDUDIGA TA’SIRI	121
Oripova Ra’no Tolibovna POLITEXNIKUM O‘QUVCHILARIDA TADBIRKORLIK KO‘NIKMALARINI SHAKLLANTIRISHDA “BIZNES ASOSLARI” FANINING O‘RNI	126
Ibodullayeva Zubayda Sherzodovna INTEGRATION OF THE STEAM EDUCATION CONCEPT INTO SCHOOL PRACTICE	130

